

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



“ХОРАЗМ ҲЭТ” АЖ бош директори

С.М.Берегин

“ 02 ” “ 21 ” 2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Урганч шаҳар -2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Тошкент шаҳридан "Хоразм Худудий электр тармоқлари" АЖ га белгиланган тартибда юк олиб келиш хизмати. Контейнер катнашга мулжалланган плошадка прицепт, узунлиги 13-14 метр булган 20-25 тоннагача юклар учун Тошкент Урганч Машрути буйича 5 та 9 млн сумдан, Тентовый прицепт 13-14м узунликда хар хил юкларни катнашга мулжалланган Тошкент Урганч ёналиши буйлаб 5 та 12 млн сумдан юкни етказиб бериш, хизматини бажариш.

Юк ташиш хизматининг бошланғич қиймати ҚҚС билан бирга ҳисобланганда: **105 000 000** (*бир юз беш миллион*) сўм

1.1. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинади.

1.2 Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларнинг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 календар кун давомида амалга оширилади.

1.3. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

2.1. "ХОРАЗМ ХЭТ" АЖ (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Урганч шаҳар, Хонқа кўчаси 36/1 уй манзили

Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.2.Танлов **"ХОРАЗМ ХЭТ" АЖ** "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

* Танлов иштирокчиларинг корхона балансида камида 3 та юк автомашинаси бўлиши керак (ёки ижара шартномаси тўлиқ PDF шаклда жойланади)

* Танлов иштирокчиларинг ишчи ходимларига қўйилган умумий малака талаблари.

* Танлов иштирокчисининг давлат солиқ органларидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотланмаси (PDF) шаклида жойланади.

* Танлов иштирокчисининг курсатиладиган хизмат кийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ҳақидаги банк маълумотномаси.

* Танлов иштирокчисининг Корхона баланси ва молиявий натижа тугрисидаги маълумот (Ф-1, Ф-2).

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар(хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштирилиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига қармлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

* Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйидаги техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

* Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўлов талаблари ва якуний тўловлар, ҳамда бошқа кўрсаигичлар кўрсатилган бўлиши керак

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифни яэлектрон тарзда etender.uzex.uz махсус электрон савдо порталида жойлаши лозим.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

4.5. Танлов иштирокчиси : - ФАҚАТ БИТТА таклиф бериши мумкин;

4.6. Такдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларининг ҳаққонийлигига ўзи жавобгар бўлади.

Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдирлар.

5.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилганидан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Танловни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда

жавоб юбориш шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.


6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда, ундан олдин олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

КЕЛИШИЛДИ

Харид комиссияси раиси:



Ш.Э.Аллазаров

С.Р.Ғайипова

М.Ш.Назаров